БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 189 (4436) | 23 сентябрь, 1970 йил, ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

„ЛУНА-16“ ЕРГА ТОМОН ЙЎЛ ОЛДИ

АВТОМАТ СТАНЦИЯ ОЙ ТУПРОҒИ НАМУНАСИНИ ОЛИБ КЕЛМОҚДА

ТАСС АХБОРОТИ

Сероблик денгизи районида Ойга оҳиста қўнган Совет «Луна-16» автомат станцияси ой юзасидаги ишлар программасини бажариб бўлгач, 1970 йил 21 сентябрь куни Москва вақти билан соат 10 дан 43 минут ўтганда ойдаги космик ракета ерга қараб йўл олди. Космик ракета ичида ой тупроғидан намуналар келтирмоқда.

«Луна-16» станциясини учириш программасида принципиал жиҳатдан янги вазифа — ой тупроғи намунасини автомат тарзда ерга келтириш вазифасини ҳал этишга асосий эътибор берилган эди. «Луна-16» станцияси ойга қўндирилганидан кейин технология операциялари комплекси бажарилди. Станциянинг маҳаллий вертикалга нисбатан бурчак холатини ўлчаш ҳамда турли агрегатлар ва борт системалари ишини текшириб кўриш шу комплексга кирар эди.

Тайёргарлик операциялари тамом бўлиши билан тупроқ йиғиш механизми ишини бошлашга команда берилди. «Луна-16» станциясига ўрнатилган, Ердан берилган командага мувофиқ бошқариладиган ҳамда горизонтал ва вертикал томонларга ҳаракат қила оладиган электр парма зарур ҳолатда ўнглаб қўйилди, ой тупроғини пармалади ва 350 миллиметр чуқурликкача бориб, тупроқ намуналарини йиғиб олди.

Пармалаш тамом бўлганидан кейин ой тупроғи манипулятор ёрдамида космик ракета контейнерига жойлаштирилиб, тиркиши маҳкам беркитилди.

Космик ракета станциясининг қўниш босқичидан учиш платформаси сифатида фойдаланиб, ой тупроғи намуналари жойланган қайтиш аппарати билан Ойдан парвоз қилди. Қўниш босқичи ой сатҳида қолиб ҳароратни ва радиацияни ўлчашни давом эттирмоқда.

Космик ракета Ер томон ҳаракат қилишнинг ҳисоблаб қўйилган мўлжалга яқин баллистик траекториясига чиқиб олди. Космик ракета билан 183,6 мегагерц частотада икки марта радио алоқа сеанси ўтказилди.

Ерга қўниш районини аниқлаш мақсадида траектория ва телеметрия ўлчовлари ўтказилмоқда. Космик ракета 1970 йил 24 сентябрда ерга қўнади.

Ракета Ерга яқинлашган пайтда ой тупроғи намуналари жойлашган аппарат ундан ажратиб юборилади. Қайтиш аппарати атмосферанинг тиғиз қатламларига кириб аэродинамик тормоз берилганидан кейин парашютда ерга тушади.

Ерга қўниш эҳтимол тутилган территория райони анча катта бўлганлиги сабабли қайтиш аппаратини қидириб топиш анча мураккаб вазифа бўлади.

Қидирув комплекси воситалари зарур даражада шай қилиб қўйилди.

ПАРТИЯ ТАРИХИНИ ЧУҚУР ЎРГАНАЙЛИК

Партия аъзоларининг марксизм-ленинизм таълимотини ўрганишини жиддий равишда яхшилаш, уларни ғоявий чиниқтириш — партия ташкилотларимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Улар КПСС XXIII съезди ўртага қўйган ана шу вазифани қунт билан амалга ошириб, партия маорифининг бутун системаси коммунистик қурилишнинг ҳозирги замон босқичи талабларига муносиб бўлиши учун иш қилдилар ва қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихини ўрганиш коммунистларга марксизм-ленинизм таълимотини ўргатиш учун, барча меҳнаткашларни сиёсий саводли қилишнинг муҳим таркибий қисмидир. Эндиликда бутун совет халқининг авангарди бўлиб қолган ишчилар синфи сиёсий ташкилотининг олий формаси бўлган КПСС нинг шаклланиш, ривожланиш йилномаси, улкан ташкилотчилик, сиёсий ва мафкуравий фаолияти тарихи — революцион тафаккур, тажриба, қаҳрамонона анъаналарнинг жуда бой манбандир. Партиямизнинг воқеаларга бой катта, жўшқин тарихи бор. Унинг кучи, таъсири ва обрўйи — ўз умрларини халққа садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган революционерлар авлодлари фидокорона қураши ва зўр бериб қилган меҳнатининг улуғ якунидир.

В. И. Ленин большевизм тарихий тажрибасининг аҳамиятини ва ҳар бир революцион қурашни шу тажриба чуқур билиши зарурлигини тушинтириб, «ўз ҳаракатининг тарихига Иван Непомнашчий сингари муносабатда бўлган киши онгли ишчи бўла олмайди», партиянинг тарихини яхши билиб олмасдан туриб, унинг сиёсати ва тактикасини тўғри тушиниб бўлмайди, деб таъкидлаган эди. Ленининг партия тарихи ва тактикасини зўр ғамхўрлик билан содда тилда тушинтириб берингиз, деган даъвати ҳозир ҳам зур куч билан янграб турибди. Назариячиларимиз, пропагандист ва педагог қадрларимиз, идеология фронтининг ҳамма ходимлари ана шу талабга оғишмай амал қилишлари лозим.

КПСС тарихи олий ва кўпгина ўрта махсус ўқув юртлари программаларига ўқув предмети қилиб киритилганлиги маълум. Миллионмиллион коммунистлар ва партиясизлар уни мустақил равишда, партия маорифи ва комсомол сиёсий маорифи системасида ўрганмоқдалар. Халқ университетларида, клубларда, маданият уйларида ва бошқа аудиторияларда, шунингдек радио ва телевидение орқали партия тарихи мавзуларида мунтазам равишда лекциялар ўқилмоқда. Ленин юбилейи муносабати билан матбуотимиз ана шу мавзуларда айниқса кўп мақолалар босиб чиқарди. Бутун ана шу пропаганда ишининг ғоявий ва илмий савиясини ҳар томонлама ошириш лозим.

Партиянинг тарихий тажрибасини пропаганда қилиш ва ўрганишда марксизм-ленинизм таълимотини ўрганиш системаси бош роль ўйнайди. Янги ўқув йили КПССнинг навбатдаги XXIV съездига тайёргарлик кунларида, омманинг ижтимоий активлиги барқ уриб юксалган, унинг партия сиёсати, назарияси ва тарихи масалаларига қизиқиши ўсган шароитда бошланади. Бу эса марксизм-ленинизм таълимотини, жумладан партия тарихини ўрганишнинг ҳамма формалари ва йўналишларини янада такомиллаштириш учун қулай вазият яратади. Зарур адабиётни оммавий нусхада нашр этиш ўқишнинг самарали бўлишига ёрдам беради. Бу йил КПСС тарихини ўрганувчиларга ёрдам тариқасида кўп томли партия тарихи IV томининг биринчи китоби, «КПСС тарихи» дарслигининг, марксизм-ленинизм асослари мактаблари учун ўқув қўлланмасининг янги нашрлари, «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюцияларида ва қарорларида» тўплами саккизинчи нашрининг уч томи, партия фаолиятининг турли босқичларига, унинг асосчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленининг ролига бағишланган бир қанча асарлар чиқарилди.

Шундай қилиб, янги ўқув йилида коммунистлар билан партиясиз активларининг марксизм-ленинизм фалсафаси, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм соҳасидаги умумий-назарий тайёргарлигини ошириш билан бирга партиямиз тарихини тағин ҳам чуқур ўрганишни таъминлаш учун ҳам ҳамма имкониятлар бор.

Аввало машғулотларнинг ҳаёт билан, практика билан узвий боғланишига эришиш, тарих масалаларини коммунистик қурилишнинг, жаҳон революцион ҳаракатининг, ҳозирги замон идеология курашининг актуал вазифалари билан боғлаган ҳолда қараб чиқишга эришиш муҳимдир. Ўтмиш йилларнинг сабоқларидан зарур хулосалар чиқариб олиш керак. Ўтмишда марксизм-ленинизм асослари мактаблари тингловчиларининг асосий эътибори ва куч-ғайрати кўпинча турли саналар, воқеалар ва фактларни ёдлаб олишга қаратилар эди. Натижада тингловчиларнинг кўпчиги у ёкн бу даврдаги партия сиёсати ва тактикасининг моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини дуруст ўзлаштириб олмас, орттирилган тажриба билимини шу кунлардаги партия ташкилотлари фаолиятида ҳамиша ҳам тўғри ва тўла ҳисобга ола билмас эди. Пропагандистлар партия тарихи тажрибасининг ўзгармас аҳамиятини тушунтириб бериш билан бирга партия ленинча сиёсатининг давомийлиги ва изчиллигини, коммунистлар ҳамма авлодлари революцион принципларининг давомийлигини ҳам тўғри тушунтириб беришлари лозим. Масалан, буржуча идеологиясига, ўнг ва «сўл» ревизионистларга қарши ҳозирги курашда меньшевикларга, троцкийчиларга, ўнг оппортунистларга ҳамда бошқа душман гуруҳлар ва оқимларга қарши олиб борилган ғоявий кураш тажрибасини ҳисобга олмай бўлмайди. Ўқиш жараёнида тарихни буржуаларча сохталаштирувчиларни, партиямизнинг шонли ўтмишига нигилистик муносабатда бўлиш йўлидаги уринишларни тагтуги билан фош қилиб ташлаш зарур.

КПСС кураши йилномасини ҳозирги замон проблемаларига ўзвий равишда боғлаб ўрганиш вақтида унинг айрим отрядлари — иттифоқдош республикалар компартиялари, ўлка ва область партия ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги материаллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий материаллардан фойдаланиш умуман КПССнинг тарихий йўлини тўлиқ ва атрофлича тушунтириш, ҳар бир партия ташкилотининг ҳозирги конкрет вазифаларини равшан кўрсатиш имконини беради.

Партия тарихи янги жамиятнинг шижоатли, матонатли, эътиқодли қурашчиларини ва инобарин ғоявий тарбиялашнинг ҳамиша қудратли воситаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Партия тарихи халқлар озодлиги ва бахт-саодати йўлида коммунизмнинг порлоқ идеаллари йўлида куч ва меҳнатни аяман фидокорона курашишни ўргатади. Партия тарихи ҳозирги замон ижтимоий ҳаётининг ҳамма ҳодисаларига синфий ёндошишни, марксизм-ленинизм принципларига садоқатни, синфий душманларимизга, ғоявий ғанимларга муросасизликни ўргатади. Партия тарихи улуғ ишимизнинг ҳаққонийлиги ва енгилмаслигига революцион умидворлик ва ишонч бахш этади.

Ленин партияси ўзининг тарихий тажрибасига таяниб, уни янги ижодий муваффақиятлар билан муттасил бойитиб, комил ишонч билан иш кўриб келди ва олға бормоқда. Шу тажрибани эгаллаш, амалдаги марксизм-ленинизмдан иборат бўлган КПСС тарихини чуқур ўрганиш коммунизмнинг янги ғалаблари учун курашда коммунистларни барча совет кишиларини ғоявий жиҳатдан қуроллантиради.

(«ПРАВДА»нинг 22 сентябрдаги бош мақоласи).

◆ Совет «Луна-16» автомат станция Ой юзасидаги ишлар программасини бажариб ерга қараб йўл олди. ◆ Унинг ичида Ой тупроғи намуналари бор. ◆ Ойда қолган аппаратлар текшириш ишларини давом эттирмоқда. ◆ Ракета ерга яқинлашган пайтда Ой тупроғи намуналари жойлашган аппарат ундан ажратиб юборилади. Космик ракета 24 сентябрда ерга қўнади.

ОФАРИН

«Луна—16» автомат станцияси Ой сатҳидан Ер томон парвоз қилди. Ў қуруқ қайтаётгани йўқ — ой тупроғи намуналарини олиб келаяпти! Бу фан-техникамиз нақадар юксак чўққиларга эришганлигининг гувоҳидир. Ишчиларимиз, инженерларимиз, техникларимиз, олимлар ва конструкторларимиз кишини ҳайратда қолдирадиган мўъжизакорлигининг яна бир ёркин намойишидир бу.

Ҳа, бу катта муваффақиятдан қанчалик қувонсак, хурсанд бўлсак ҳам арзийди. Шунинг учун ҳам беихтиёр автомат станция яратувчиларига офаринлар айтасан. Бу улкан эксперимент Ойни ўрганишдаги зарҳал ҳарфлар билан битилган яна бир саҳифа бўлиб тарихга киради.

Автоматик станция эртага она еримизга қайтиб тушади. Унинг муваффақиятли ерга қўнишини сабрсизлик билан кутамиз.

И. УМАРОВ.
Тошкент электр тармоқлари корхонаси бош инженери.

КАТТА ЗАФАР

XX аср тарихи лол қолдирмоқда. Инсон ақл-заковати шу қадар илгарилаб кетдики, киши ҳайратга тушмай қолмайди. Яқингинада барча жаҳон аҳли космос пионерини шарафлаган эди. Сўнгра группа бўлиб учишлар, фазода автоматик станция бунёд этиш, Ойга юмшоқ қўниш рўй берди.

Эндичи?! Совет «Луна-16» автоматик станцияси инсон иштирокисиз ойда биринчи марта худди ердагидек инженер-геология қидирув ишларини амалга оширди. Ой сатҳидан пармалаш орқали жисм олинди. Бу — ажойиб техникани ишҳиро қилган олимларимиз, инженерларимизнинг оламшумул ғалабасидир.

Кўҳна тарих йилномасига фазони забт этишда, сайёралар сари бошланган дадил парвозда яна бир ажойиб саҳифа зикр этилди.

Совет фани ва техникасига офарин!

Ғ. РАШИДОВ,
тарих фанлари доктори.

„ЛЕНИНГРАД“ СОВХОЗИ МАРРАГА ЕТДИ

ПЛАНГА ҚУШИМЧА 1000 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИШ МАЖБУРИЯТИ ОЛИНДИ, ШУНДАН 800 ТОННАСИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИ

Ўтмишда қир-адир бўлиб ғалла экилиб келинган, чорва моллари ёйилиб юрган чўллар аста-секин жамолини очиб бормоқда. Бу жойларга одам ҳаёт келиб, асрлар давомида қақраб ётган ерлар пахтазорларга, боғроғларга айлантирилмоқда.

Иккинчи йил қўриқ ва бўз ерларда ташкил этилган «Ленинград» совхози меҳнаткашлари пахтадан мўл ҳосил олиб, қир-адирлар «оқ олтин» конига эканлигини амалда кўрсатмоқдалар. Бултур ҳам совхоз йиллик пахта тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб адо этган ва пландан ташқари юзлаб тонна «оқ олтин» топширган эди.

Кеча редакцияга яна хушхабар келди. «Ленинград» совхозининг ишчилари минг гектар ерда «оқ олтин» етиштириб давлатга пахта топшириш йиллик планини муваффақиятли адо этдилар. Улар планга қўшимча равишда яна 1000 тонна пахта топширамиз, деб аҳд қилдилар.

Янги ерларда мўл ҳосил етиштиришда Қаршибой Ёрбоев, Салоҳиддин Маҳкамов ўртоқлар бошқарувчи бўлган бўлимларнинг ишчилари айниқса ғайрат кўрсатмоқдалар. Бу ҳар иккала бўлимда 240 гектардан пахта майдони бор. Уларнинг бирида гектаридан 13, иккинчисида 14 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу бўлимларнинг ҳар бири яна 300 тоннадан пахта топширамиз деб мажбурият олдилар. Азамат пахтаксрлар ўзларининг янги мажбуриятларини шараф билан бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

К. Абдурахмонов, М. Имонов, Қ. Тўхлиев, Х. Жўлматов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда бу йил ҳар гектар ердан 22—25 центнердан ҳосил топшириш имконияти бор. Улар йиллик планларини бажарган кунларида яна 11—14 центнердан пахта берамиз, дедилар. Бу азаматлар қўриқ ерларни ўзлаштиришда фидокорлик кўрсатган ва шу ерда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган азаматлардир.

Ҳамма ердагидек, бу совхозда ҳам йиғим-терим муваффақиятини машиналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сойдирдан иборат бўлган нотекис жойларда уста механизаторлар ўз машиналарини моҳирлик билан бошқармоқдалар. Шу кунгача 70—105 тоннадан пахта терган Ғафур Каримов, Умар Усмонов, Владимир Базаров, Асқар Йўлдошев ва бошқалар шулар жумласидандир. Социалистик мусобақани тобора кучайтириб меҳнат қилаётган бу пўлат от чавандозларн мавсум охиригача 70—80 тоннадан пахта териб зиммаларига олган мажбуриятларини бир ярим-икки ҳисса ошириб бажариш ниятидалар.

Йиллик план муваффақиятли бажарилиб, давлатга қўшимча пахта топширилаётган шу кунларда чевар теримчиларнинг номини ҳам ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Кунига 120—200 килограммдан пахта тераётган Саломат Абдуллаева, Жамила Жуманова, Саманой Халилова, Баҳри Бекназарова-лар ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар ва ўз хўжаликларининг ҳамиша байроқдор бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Йиғим-теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб совхозда район халқ маорифи маданият бўлими СПК-2 қурилиш ташкилоти коллективлари пахтакорлар билан ёнма-ён туриб ишлаб бугунги муваффақиятга эришишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бекободдаги қўриқ ерларда ташкил этилган «Ленинград» совхозининг ватанпарвар ишчилари ва механизаторлари теримни тобора кучайтирмоқдалар, йиллиқ планни 200 процент бажариш тўғрисидаги аҳдларининг устидан чиқиш учун тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар.

ДЕҲҚОНЛАР ҚОЙИЛ

Бу йил ишларимизнинг кетиши чакки эмас. Меҳнатимизга яраша ҳосилимиз мўл бўлди. Ана шу мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш қизғин давом этаётган шу кунларда биз совет фани ва техникасининг ажойиб ютуғи — «Луна-16» автомат станцияси ой юзига юмшоқ қўнгани ҳақидаги хабарни эшитиб, ғоят қувондик. Ғайратимизга ғайрат қўшилди.

Колхозимиз шу кунгача пахта тайёрлаш планини 60 процентга яқинлаштириб қўйди. Колхозчилар, механизаторлар, терим даврида бизга дўстона ёрдам бериш учун келган ҳашарчилар ишни яна ҳам жадаллаштирдилар. Биз куз фаслининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, йиллик планни эрта адо этиш ва давлатга бултургига қараганда кўпроқ «оқ олтин» стказиб бериш учун астойдил курашамиз.

К. ЭГАМБЕРДИЕВ.
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси.



ОҚҚЎРҒОН районидаги «Озод» колхози пахтакорлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан олиб боришаяпти. Колхоз механизаторлари бу ишда ғайрат кўрсатмоқдалар. Моҳир механик-ҳайдовчилардан Дусан Фармонов ўз агрегатини унумли ишлатиб ҳар куни кўплаб «оқ олтин» термоқда. Унинг бу йилги нияти «зангори кема» бункеридан 120 тоннадан ошириб пахта тўкишдир. Суратда: Д. Фармонов.

А. Абалян фотоси.

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТАКЛИФИГА БИНОАН

КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Капитонов бошчилигидаги КПСС делегацияси Франция Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан 21 сентябрда Москвадан Парижга жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Горький область комитетининг биринчи секретари М. И. Масленников, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Г. А. Тер-Газарянц, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлим мудирининг ўринбосари В. В. Загладин, «Экономическая газета» бош редакторининг ўринбосари В. Ф. Филиппов, Украина Компартияси Киев шаҳри Подольск район комитетининг биринчи секретари А. М. Денисова бор.

Делегация шу куни Францияга етиб келди. Бурже аэродромида делегацияни Франция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитети секретари Г. Плиссонье, Франция Компартияси Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат М. Венсан, Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Ж. Канапа кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Франциядаги элчиси В. А. Зорин ҳам бор эди.

(ТАСС).

368.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 22 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда тайёрланган пахта	Мавсум бошидан бери	Машина билан бир кунда	Мавсум бошидан бери
Оққўрғон	4,71	29,08	4,92	26,69
Бўка	4,00	27,39	4,04	20,91
Урта Чирчиқ	3,52	20,76	3,00	14,38
Бекобод	2,37	16,65	1,29	6,44
Оржоникидзе	2,46	15,61	—	—
Янгийўл	2,01	13.91	0,72	1,84
Юқори Чирчиқ	1,14	4,24	0,30	0,33
Область бўйича	3,27	20,93	3,05	15,53

ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Ҳиндистон президенти Варахагири Венката Гири 22 сентябрда Ўзбекистон пойтахти билан танишишни давом эттирди.

Эрталаб ҳурматли меҳмон ва унинг ҳамроҳлари Тошкент бўйлаб сайр қилдилар. Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишларини кўздан кечиришди. Президентга зилзила оқибатларини тугатишда актив қатнашган ҳамма иттифоқдош республикаларнинг Ўзбекистон пойтахтида қуриб берган уй-жой кварталлари кўрсатилди.

Ҳиндистон президенти Ўзбекистон пойтахтидаги қурилишнинг кўламига қойил қолганлигини изҳор қилди.

— Тошкент чиндан ҳам дўстлик шаҳри экан — деди у республика пойтахтини кўздан кечираётган вақтда.

В. В. Гири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида бўлди, бу ерда сақланаётган ноёб қўлёзмалар, жумладан Ҳиндистон тарихига оид китоблар билан танишди.

В. В. Гири ўзбек олимларининг ишларини юксак баҳолаб, улар ўз фаолиятлари билан ўз мамлакатигагина эмас, бутун дунёга ҳам фойда келтираётганлигини таъкидлаб ўтди.

Чошгоҳ пайтда Варахагири Венката Гири рафиқаси ва ҳамроҳлари билан бирга Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Қличев ҳурматли меҳмон билан бирга жўнаб кетди.

Тошкент аэропорти Ҳиндистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган эди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, республика Олий Советининг Раиси С. Х. Сирожиддинов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев, министрлар, СССР ва Ўзбекистон ССР депутатлари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари дўст давлат бошлиғини узатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг саккизинчи сессияси 1970 йил 25 сентябрь кундуз соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 1970 йил 24 сентябрь эрталаб соат 10 дан кечқурун соат 8 гача ва 1970 йил 25 сентябрда эрталаб соат 11 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислар залида рўйхатга олинади.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАҚА № 95

*** ПАХТАКОРНИНГ ДОЛЗАРБ КУНЛАРИ * ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР * *ИЖОДКОР НАЗОРАТЧИЛАР* * ЮКИНГИЗ ЙЎЛДА ҚОЛМАСИН * *БИНОКОРЛАР БУРЧИ* * ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ЕНГ**

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ЗАВОД ҚАЧОН БИТАДИ?

6-трестнинг Қорасув пахта тозалаш заводи қурилишини бошлаганига анчагина вақт бўлиб қолди. Бу ерда трестнинг 2-кўчма механизациялашган колоннаси коллективи асосий қурилиш ишларини олиб бормоқда.

Лекин, ҳар хил сабаблар туфайли қурилиш ҳамон судралиб келмоқда. 12 та объектдан бирэртаси ҳам ўз муддатида фойдаланишга тахт қилинганн йўқ.

Трест раҳбарлари завод қурилиши ҳақида ҳар куни гапиришса ҳам лекин 2-кўчма механизациялашган колоннага қурилиш суръатини жадаллаштиришга қаратилган бирор амалий ёрдамни кўрсатмаяптилар. Трест бош инженери Михайлов қурилиш майдонида камдан-кам бўлади. «Заготхлопкотрест» бошқармаси ва қурилаётган завод раҳбарлари ҳам ўз зиммаларидаги вазифани кўнгилдагидек бажармаяптилар.

Бош пудратчи қурилиш ишларини шу аҳволга солиб қўйгандан кейин ёрдамчи ташкилотлар нима қиларди дейсиз. Улар ҳам ён атрофда қўл қовуштириб юришибди. Ихтисослашган 93-трестнинг Тошкент «Энергомонтаж» бошқармаси технологик ускуналар монтажини ғоятда суст бажараяпти. Иккинчи квартал давомида монтаж ишлари тугалланиши керак бўлгани ҳолда, тозалаш цехида ҳамон иш давом этаяпти.

Область халқ контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Қорасув пахта тозалаш заводи қурилишини тезлаштиришга қаратилган шошилинч тадбирлар белгиланди.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ ЎИЛАНГ

Областимиз колхоз ва совхозларида назоратчиларнинг актив ёрдами билан ёз бўйи чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш йўлида катта тадбирлар амалга оширилди. Юқори Чирчиқ, Орджоникидзе, Оққўрғон районларининг кўпгина хўжаликлари дағал озуқа тайёрлашда қувончли ютуқларни қўла киритдилар. Лекин ҳамма жойда ҳам озуқа тайёрлаш ишлари кўнгилдагидек бўлмади.

Ўрта Чирчиқ районидаги 4-«Оҳангарон» совхози, Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз, «Бўзсув» совхози, Бўка районидаги «Ленинизм» колхози ва бошқа қатор хўжаликларда озуқа тайёрлаш ишлари ҳамон суст давом этаяпти. Шуниси ачинарлики, бу хўжаликларда озуқа тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала область халқ контроли комитетининг бундан олдинги йиғилишида ҳам муҳокама қилинган бўлишига қарамай, мазкур хўжалик раҳбарлари қилинган танқиддан етарлича хулоса чиқариб олмадилар.

Область халқ контроли комитетининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига яна дағал озуқа тайёрлашнинг бориши ҳақидаги масаланинг қўйилганлиги бежиз эмас эди. Йиғилишда Янгийўл район хўжаликларида ҳам чорва қишлови учун мустаҳкам озуқа базаси яратилмаётганлиги алоҳида тилга олинди. Йиғилиш қарори билан юқорида номлари келтирилган хўжаликларнинг раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди. Уларга узоғи билан 10 октябрғача дағал озуқа тайёрлаш ва силос бостириш ишлари бўйича белгиланган планни бажариш вазифаси юклатилди.

ТЕЖАМКОРЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланиш ва халқ хўжалигида иқтисодий тежамкорликни кучайтиришга даъват этувчи Хати юзасидан Оққўрғон район саноат корхоналари ва хўжаликларида бир талай тадбирлар белгиланган. Хатни муҳокама қилишда ишчилар ва қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари билан бир қаторда 1300 назоратчи ҳам қатнашди.

ЯНГИЙЎЛ районидаги Калинин номли колхоз бош агрономи Шониржон Шукуров бир неча йилдан бери хўжалик халқ контроли группасига бошчилик қилиб келяпти.

Суратда: Ш. Шукуров (чапда) Юсуфбек Тўйманов бошлиқ бригада далаларида машина терими сифатини кўздан кечирмоқда.

А. АБАЛЯН фотоси.

ҲОСИЛ НОБУД БЎЛМАЙДИ

Колхозимиз — катта хўжалик. Ўн саккизта бригадаси, устахонаси, фермаси бор. Бу участкаларда ишнинг ҳар доим соз бориши устидан назоратчилар мунтазам кўз-қулоқ бўлиб турибдилар.

Группамизнинг йигирма беш аъзоси бор. Барча бригада ва устахоналарда постлар ташкил этганмиз. Группа аъзолари билан пост аъзолари ўзаро ҳамкорликда иш тутиб, хамчиликларнинг олдини олиб қолмоқдалар, колхоз ишлаб чиқаришини юксалтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Назоратчилар эрта баҳорданоқ меҳнатнинг пухта ташкил этилиши устида ғамхўрлик қиладилар. Техника ремонти даврида айниқса улар ғайрат билан ишлашди. Ремонтдан чиқарилган ҳар бир агрегатни ҳеч эринмай текшириб чиқишди. Сифатсиз ишлаганлар агрегатларни ҳақ олмай қайта ремонтдан чиқаришга мажбур қилинди. Ремонт даврида йигирма тонна дизель ёқилғиси ва кўплаб мойлаш материаллари тежаб қолинди.

Иш бошидан пухта бўлганлиги сабабли агрегатлар эрта баҳордан то шу пайтгача далаларда бетинам ишлаб келяпти. Каноп ўрими даврида назоратчилар колхозчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар. Биз 1079 гектар ерга каноп экканмиз. 17 минг 560 тонна каноп пояси олиш ҳаракатимиз эди. Ҳозирги кунда колхозчилар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Ўрилган каноп ининг 80 процентн биринчи сортлар билан давлатга топширилмоқда. Назоратчилар каноп ни илдизга тақаб ўришга, поянн нес-нобуд қилмасликка барчани чақирмоқдалар.

Назоратчилар сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш учун курашиб, қишлоқ хўжалиги ишларини тўла механизациялаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Илгаларидалалар қўлда ўтдан тозаланган бўлса, эндиликда бу юмушни тракторлар бажаряпти.

Ҳозирги кунда эртаги экинлардан бўшаган майдонларнинг ҳар гектарига 500 килограмм фосфор солиб шудгорланмоқда. Ҳар куни 60—70 гектар ер ўғитланиб, тўртта трактор шудгорлаш билан банд. Назоратчилар бу ишнинг ҳам сифатли бажарилишини кузатиб бормоқдалар.

Деҳқонлар ҳаётида долзарб дамлар бошланди. Эрта баҳорда ерга қадалган чигит бугун чаноқларда қайнаб тошяпти. Коллективимиз 921 гектарга пахта эккан. Ҳар гектар майдондан пландаги 26 центнер ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтариш ниятидамиз. Пахтанинг асосий қисми машиналар билан терилиб олинади. Бунинг учун 20 та агрегатнинг ҳаммаси тернягашай турибди Назоратчилар энди етиштирилган мўл ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмай давлатга топшириш тадбирларини кўрмоқдалар. Ҳар бир бригададаги постларга жанговар топшириқлар берилган.

Ким Чан Бок,
Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози халқ контроли группасининг аъзоси.

Группалар иш тажрибасидан

ИЗЛАНИШ

П. Крючковнинг кенг ва ёруғ хонаси деворларига турли схемалар осиб қўйилган. Уларнинг бир қисми ишлаб чиқариш технологиясига оид бўлса, қолган қисми комбинат халқ контроли группасининг жойлашиши ва ҳаракат графигини кўрсатиб турибди.

П. Крючков бошлиқ умумкомбинат халқ контроли группасининг ҳозир 40 аъзоси бор. Ўнар турли тармоқлар бўйича тузилган секцияларга бўлиниб, план асосида рейдлар ўтказмоқдалар. 7 кишидан иборат бюро группа фаолиятига раҳбарлик қилмоқда.

— Бундан ташқари, комбинатнинг 24 корхонасида цех халқ контроли группалари ишлаб турибди,— дейди П. Крючков.— Бу группалар сафида 850 киши бирлашган. Кўриниб турибдики, назоратчилар бизда катта куч. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкалари улар эътиборида.

Группа раиси яқинда комбинат бўйича ёппасига ўтказилган бир рейд якунларини эсга олди:

— Ўшанда биз техникадан қандай фойдаланилаётганлигини текширган эдик,— деди у.— Рейд барча участкаларда бир кунда бошланди. Бу текширувда ҳамма назоратчилар иштирок этди. Синчковлик билан ўтказилган текширув натижасида 564 та ускунанинг омборларда бекор ётганлиги маълум бўлди. Улар орасида 4 та тепловоз, 10 та электродвигатель, 2 та трансформатор каби қимматбаҳо агрегатлар ҳам бор эди.

Тепловозларнинг қандай сақланаётганлигини темир йўл цехи халқ контроли группасининг раиси М. Сергеенко текширди. Кейин у рейд якунларини бюрога маълум қилди. Бунда тепловозларнинг ойна ва чироқларининг синганлиги, кўпгина қисмларнинг сочилиб кетганлиги айтилган эди. Бошқа жойларда ҳам социалистик мулк оёқости қилинаётганлиги аниқланди.

Рейд якунлари комбинат хўжалик активи йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Жавобгар кишилар бу йиғилишда ўз жазосини олди. Ўрнатилмаган агрегатларни монтаж қилиш, нокераклариии қўшни корхоналарга жўнатиш ишлари тезлашди.

Шундан кейин назоратчилар ўз диққат-эътиборларини тежамкорлик ва техника тараққиёти учун курашга қаратдилар. Рейдларнинг бирида маъмурий бошқарув аппарати штатлари текшириб чиқилди. Бу текширувда 137 кишини бевосита ишлаб чиқаришга ўтказиш имкони борлиги аниқланди. Бошқарув аппаратини қисқартириш ҳисобига давлат йилига 321 минг сўмлик фойда кўрар экан. Назоратчилар тавсияси асосида бошқарув аппаратини ихчамлаштириш ишлари давом этмоқда.

Тежамкорликда ва техника тараққиёти учун курашда энг аввало назоратчиларнинг ўзлари шахсий намуна кўрсатмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтиришга даъват этувчи Хатини муҳокама қилишда кўпгина назоратчилар иштирок этдилар. Муҳокама давомида 580 та таклиф тушди. Бу таклифларнинг 459 таси жорий этиш учун қабул қилинди. В. Саушкин, А. Чернов, Э. Дубинский, В. Шевцов каби назоратчи рационализаторлар ишлаб чиқаришга ажойиб янгиликлар киритмоқдалар. Улар ғайрати билан комбинатнинг бир қатор корхоналари рационализаторлик таклифи киритиш бўйича беш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

Назоратчилар ҳамон изланишда давом этмоқдалар. Бу борада айниқса Қалмоққир кони коммунистлари яхши намуна кўрсатмоқдалар. Кон халқ контроли группасига тог мастери Сергей Крижевич раҳбарлик қилмоқда. Ҳар бир рейд якунлари «Комсомол прожектори» ва «Большой Калмаккир» деворий газеталарида ёритиб борилаяпти. Яқинда шаҳар назоратчиларнинг бўлиб ўтган семинарида Қалмоққир кони халқ контроли группасининг иш тажрибалари муҳокама қилинди. Кўргошин кони, мис бойитиш фабрикаси назоратчиларининг тажрибаларига амал қилиш лозимлиги ҳам бу семинарда уқтирилди.

Комбинатда назоратчиларнинг йиғилишлари тез-тез ўтиб туради. Бу йиғинларда илғорлар тажрибасини оммалаштириш, назоратнинг таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама этилади.

Комбинат жонкуярлари ўз ишларини пухта билишади. Улар кўрсатаётган ғайрат ва ташаббус туфайли корхонада ойлик топшириқлар тўла адо этиб келинмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида 1969 йилнинг шу даврига нисбатан 26,2 процент кўп маҳсулот реализация қилинди. Рух ишлаб чиқариш 37,5 процент, мис тайёрлаш 31,9 процент, молибден ҳосил қилиш 44,5 процент кўпайди. Ҳозирги кунда барча бир жонбир тан бўлиб 22 декабргача йиллик планни ва беш йиллик топшириғини тўла адо этиш учун курашмоқда.

Ж. НОСИРОВ,
Олмалиқ шаҳри.

АҲОЛИ МАМНУН

Трестимиз коллективи Орджоникидзе райони хўжаликлари ва ташкилотларини «зангори олов» билан таъминлашга даъват этилган. Группамиз сафига ўн олти киши бирлашган. Улар ҳар соҳани яхши биладиган етук мутахассислардир. Назоратчилар ўтган ойларда бир қанча рейдлар ўтказиб, омборда ишнинг намунали йўлга қўйишга, баллонли газ ташувчи машиналар ҳаракатини тартибга солишга муваффақ бўлдилар. Бундан аҳоли мамнундир.

Трест партия ташкилоти назоратнинг таъсирли ва жонли бўлиши учун курашиб, ўз бюро йиғилишларида бизнинг ҳисоботимизни тез-тез эшитиб боради. Ўтган ойларда уч кишининг ҳисоботи тингланди. Йиғилишда назоратчилар бажараётган ишга баҳо берилиб, эътибордан четда қолаётган вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди.

А. ЖУРАЕВ,
«Узбекгаз» бошқармасига қарашли 2-газлаштириш трести халқ контроли группасининг раиси.

НАЗОРАТЧИЛАР ПАХТАЗОРДА

Бўка районидаги «Бўка» совхози коллективи бу йил она-Ватанга 7 минг тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилган. Бу ўтган йилдагидан 1 минг тонна кўпдир. Совхоз ишчилари ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан териб олишга аҳд қилганлар.

Йил бошидан бери ҳамма шу аҳдга яраша меҳнат қилди. Назоратчилар ерга уруғ тушгандан бошлаб, пахталар оппоқ очилгунча бўлган давр ичида бир неча бор рейдлар ўтказдилар. Бу рейдларда ғўза парвариши сифати, ўғитлаш ва суғориш каби тадбирларнинг бажарилиши текширилди. Текширувлардан аниқланган камчиликлар ўз вақтида тугатилди.

Мана бугун меҳнат самаралари ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Қийғос очилган пахтазорларда «зангори кема»лар жавлон урояпти. Мавжуд 80 агрегатнинг ҳаммаси шу кеча-кундузда пахта териш билан банд. Ҳар бир машина кунига хирмонга 4 тоннага етказиб пахта тўкяпти. Механизаторлар узоғи билан 25 иш кунида пахта планини бажариб, галаба рапорти бериш ниятидамиз меҳнат қилмоқдалар.

Шу долзарб кунларда назоратчилар пахтакорлар орасида бўлмоқдалар. Улар ҳосилнинг бирор толасини ҳам нобуд қилмай эл хирмонига тўкиш устида кўз-қулоқ бўлмоқдалар.

А. ФАЙЗИЕВ,
халқ назоратчиси.

Назоратчи: — Ўрнингни топ!

Пахтамиз — нонимиз, уни оёқости қилмайлик.

Ҳамма далага боқса, дангаса кунга боқар.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

Ҳар соҳа эътиборда

Эрта баҳорда «Гулистон» колхозидан ажралиб чиққан хўжалигимиз ўтган ойларда ўзини анча ўнглаб олди.

Биз дастлабки кунлардан бошлаб мавжуд ерларнинг ҳаммасини оборотга киритиш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш тадбирларини кўрдик. Биринчи текширишдаёқ айрим шаҳслар томонидан колхоз ерлари ўзлаштириб олинганлиги маълум бўлди. Халқ контроли группаси йиғилишида бу масала муҳокама қилиниб, уларга қаршн тагишли чора кўрилди. Зўрлик билан 21 назоратчи уч группага бўлиниб, ферма, устахона ва далаларда текширувни қизитиб юборди.

Халқ назоратчиларидан Ортиқ Ҳолиқов колхоз транспортидан шоферлар шахсий ишларда фойдаланаётганлигини маълум қилди. Шундан кейин барча машиналар автогаражда сақланадиган бўлди. Фермаларда текширув ўтказган Раҳмат Аҳмедов ва Шоюсуф Шокамолов ўртоқлар моллар боқимига кам эътибор берилаётганлигини аниқлаш. Шундан кейин фермада комплекс тадбирлар амалга оширилди. Қорамоллар сонини 660 тага етказиш белгиланди. Чорвадорларнинг самарали меҳнати туфайли бу тадбир 108 процент қилиб бажарилди. Қўй эчкилар сони эса 26 процент кўпайди. Пировардида чорва маҳсудорлиги ошиб, ой сайин топшириқлар бажариладиган бўлиб қолди.

Назоратчилар ғайрати ва колхозчилар меҳнати билан хўжалигимиз бир йилнинг ўзидаёқ кучга тўлиб қолди. 2480 гектар ерга экилган ғалладан гектар бошига 9 центнер ўрнига 10,5 центнердан хирмон кўтардик. 19 минг 686 центнер ўрнига 26063 центнер ғалла йиғиб олинди. Мевадан ҳам бу йил мўл ҳосил етиштирдик. Шу кунгача мажбуриятни тўла этиб адо, яна қўшимча 240 тонна узум сотиш учун курашмоқдамиз.

Эндиликда колхозимизда парандачиликка ҳам катта эътибор беридаётир. Йил бошида парандалар сонини 780 тага етказиш мўлжалланган эди. Бу топшириқ ҳозироқ бажариб қўйилди. Товуқ, ўрдак, ғоз ва куркаларни кўпайтириш плани 364 процент қилиб бажарилди. Пировардида тухум тайёрлаш топшириғи 144 процент адо этилди.

Кўриниб турибдики, колхозимиз юксалиш сари бормоқда. Эришилаётган ютуқларнинг ҳар бирида халқ назоратчиларининг бир олам ҳиссаси бор. Ўнар бундан буён ҳам хўжалик тармоқларини комплекс ривожлантириш йўлида ўз куч-ғайратларини аямайдилар.

А. АБДУМУМИНОВ,
Паркентдаги Энгельс номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.

«Узбекхлопкомаш»» заводи цехларида тайёрланаётган агрегатлар пахтакорларимиз меҳнатига барака киритмоқда. Корхона назоратчилари корхона маркаси босилган машиналарнинг доимо сифатли бўлиши устида қайғурмоқдалар. Ушбу суратда сиз механика-йиғув цехи назоратчиларидан А. Сотин ва В. Арякин ўртоқларни кў риб турибсиз. Улар йиғилган навбатдаги агрегатни ҳозиргина кўздан кечириб бўлишди.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

„ТОҚАТИ ТОҚ" ВАГОНЛАР

Ангренга кириб келган пўлат магистраль бўйлаб ҳар куни ўнлаб вагонлар ҳаракат қилади. Бири олисдан саноат корхоналари учун зарур хом ашё олиб келса, навбатдагиси шаҳар конларидан қазиб олинган «қора олтин»ни ташиб кетади. Халқ хўжалиги юкларини ташиш ярим йиллик плани шаҳарда 102,2 процент бажарилди. Шу жумлодан кўмир ортиш плани эса 103 процент адо этилди.

Кўпгина участкаларда вагонларга юк ортиш вақти нормадагидан 2.5 соат тезлашди. Бунинг эвазига 7261 та вагон тежалди ва уларга қўшимча юк ортиш имкони туғилди. Юкларни зичлаштириб ортиш ҳисобига эса 846 та вагон тежалди. Вагонларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,5 соатга камайди.

Бу ютуқлар беихтиёр кишини қувонтиради. Лекин шаҳар халқ контроли комитети назоратчиларга юк ортиш ва тушириш ишларини текширганларида айрим корхоналарда ҳали ҳам вагонлар маҳтал бўлиб қолаётганлигини аниқладилар. Айрим корхоналарга кириш йўлларида вагонлар нормадагидан 2—3 соат кўпроқ туриб қолмоқда.

Бунга Ангрен керамика комбинати мисол бўла олади. Комбинатга келаётган вагонлардаги юк норма бўйича 5,7 соатда бўшатиб олиниши керак. Лекин, корхона раҳбарларининг беғамлиги билан вагонлар ўн учўн тўрт соатлаб корхона остонасида туриб қолаяпти.

«Вторчермет» ташкилоти ҳам вагонларга юк ортиш ишларини ғоят чўзиб юбормоқда. Металломлар олиб кетгани келган вагонларга нормадаги 2 соат ўрнига зўрга 12 соатда юк ортиб бўляпти. Юк ортиш ишларининг кўп ҳолларда қўл билан бажарилаётганлиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Шуниси ачинарлики, кўпгина корхоналар вагонларни номига юклаб жўнатмоқдалар. Керамика комбинати 7—8 тонна керамика трубалари ва сопол буюмлар учун битта вагоннинг вақтини олмоқда. Бу маҳсулотлар ярим вагон ҳам бўлмайди. Лекин, ҳужжатларга» юклар зичлаб босилди» деб ёзиб қўйишади. «Вторчермет» ташкилоти ҳам вагонлардан унумли фойдаланишга эътибор бермаяпти. Шунинг узун ҳам бу корхоналар темир йўл бўлинмасига кўплаб, жарима тўламоқдалар.

Керамика комбинати шу йилнинг ярим йили мобайнида вагонларни «вақтини олганлиги» ва зичлаб босишга эътибор бермаганлиги учун 6966 сўм. «Главстройиндустрия»трестининг 4-темир-бетон буюмлари заводи директорининг ўринбосари Куманьковга ярим ойлик маошлари миқдорида жарима солинди.

Гап ҳозир кишиларга жарима солиш ва уларни огоҳлантириш устида бораётгани йўқ. Асосий эътиборни вагонларнинг унумли ишлашига, беҳуда туриб қолишларнинг олдини олишга қаратиш лозим. Биз шундагина давлатга кўпроқ фойда келтирган бўламиз. Корхоналардаги халқ контроли группалари партия-ҳукуматимиз кўрсатмасига жавобан тнмирйўл транспортидан иложи борича унумли фойдаланиш тадбирларини кўришлари лозим.

В. ШАГИТОВ,
халқ назоратчиси, Ангрен шаҳри.

Акмал ПЎЛАТ.

ТОШКЕНТ ПАХТАКОРЛАРИГА

Ассалом, Тошкентнинг пахтакорлари,
Нурафшон ўлкамнинг мард шунқорлари.
Ассалом, меҳрибон аёллар, эрлар,
Аҳдида турғувчи баҳодир шерлар.
Ассалом, от сурган марралар сари,
«Зангори кема»нинг капитанлари.
Ассалом, шаҳарли дўст, кўмакдошлар,
Теримда қатнашган азиз йўлдошлар.
Пахталар чамандек очилган чоқда,
Юз минглаб тоннамиз турар чаноқда.

* * *

Бнласак, пахта, бу номус-ориимиз,
Ваъданн бажарнш, зўр қароримиз.
Мўл ҳосил ундирдинг юрак қўридан,
Толалар яшнатдинг кўзлар нуридан.
Ғўзалар оралаб саҳарлар бедор,
Ҳар битта толада чексиз меҳринг бор.
Бебаҳодир пахтанинг ҳар толаси,
Ватанга армуғон дуру-донаси.
Пахтадир шарафли касбиқоримиз,
Пахтадир эл дури, ифтихоримиз.
Пахтанн қилсак ҳам ўзимиз ато,
Тушимизга кирар ҳар кунн ҳатто.
Оқ олтин бор экан, обод уйимиз,
Ўйин-у, қўшиқсиз ўтмас тўйимиз.
Ҳар тола пахтамиз кўзга суртгули,
Иўқ кўзга демангким, дилга суртгули,
Пахтамиз йил бўйи қилинган меҳнат,
Пахтамиз гул днёр кўркига зиннат.
Пахта бойлигимиз, элнинг ғурури,
Пахтамиз бахтимиз, кўнгил шуури.
Пахтада гулларнинг жилваси жамдир.
Пахтада меҳнатнинг шарафи жамдир.

* * *

Долизарб кунларда ғанимат фурсат,
Мард бўлсанг теримда кучингни кўрсат,
Пахтакор номи бор, чиқсин далага
Қанча терса, шуни қўйсин паллага.
Торозу кўрсатар ишнинг салмоғни
Бир кимса турмасин тишлаб бармоғнн.
Эр, аёллар жавлон урсин далада,
Ҳеч киши қолмасин четлаб панада.
Қани, бўл-бўллашиб юринг майдонда,
Зафар, деган овоз чиқсин ҳар ёнда.
Қалб ёнмаса, вафодорнинг севарми
Ғалаба ҳеч қачон ўзи келарми?
Зафарни куч билан оласан қўлга.
Партия нур сочар бу ёруғ йўлга.
Баланд кўтар мусобақа байроғни,
Порлат яна элнинг машъал чироғни.
Наъра тортиб, тезроқ келгин, маррага.
Ғурур билан юз деб ёзгин каррага.
Теримдир биз учун катта имтиҳон,
Шавқатли ишимиз оламга достон.
Ваъданг уч юз олтмиш саккиз минг тонна,
Коммунизм чўққисига олтиндан зина.
Республика хирмонига ҳисса қўш.
Жўшқинли дарёдек қайна, олға жўш.
Пахталар чамандек очилган чоқда,
Юз минглаб тоннамиз турар чаноқда.

* * *

Меҳнатда машина инсон ҳамроҳи
Ҳар бир пахтакорнинг суянган тоғи.
Машина этади оғирни енгил,
Яқин қилар узоқ бўлса ҳам манзил.
Зангори кемалар сузгач майдонда
Хирмонлар бўй чўзар тоғдек осмонда.
Етмиш процент гавҳар, оқ олтин.
Машинада терилсин муддатдан олдин.
Қон-қариндош опа, ука, синглилар.
Пахтазорга белни боғлаб келинглар.
Пахталар чамандек очилган чоқда,
Юз минглаб тоннамиз турар чаноқда.

* * *

Пахтани тез, тоза, чаққон терайлик,
Илғорлар сафида кўкрак керайлик.
Бухоро теримда бургут парвози,
Қашқадарё кетди ҳар ён овози.
Илғорлардан яхши ибрат олингиз,
Барча кучни тезда ишга солингиз.
Кўкларга ўрласин олтин хирмонлар,
Дилларда қолмасин зарра армонлар.
Ердадир туганмас ризқи-рўзимиз,
Ердадир табаррук ноқу-тузимиз.
Ердадир «оқ олтин» кумуш пахтамиз
Чин юракдан севган заррин толамиз.
Қамчила отингни Бўка, Оққўрғон,
Ҳақиқий пахтакор меҳнатда полвон.
Бўш келма теримда, шонли Янгийўл,
Далангда туганмас ҳосилларнинг мўл,
Ўртачирчиқ, Оржоникидзе, Бекобод,
Бу йилги ҳосилдан ҳаммамиз дилшод.
Байрамга тайёрла муносиб совға,
Муносиб совға деб босавер олға.
Съезд шарафига босинг илгари,
Жангда ғолиб қаҳрамонлар сингари.

Областимизнинг барча корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар партиямизнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш мақсадида юқори чўққилар сари ошиқмоқдалар. Улар, беш йиллик планини муддатидан илгари бажарилиши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишяпти. Социалистик мусобақа ғолиблари тобора ошиб бормоқда.

Суратларда: (юқоридан пастга) Олмалиқ рух заводи қурилишининг қўли гул ишчиларидан Х. Умиров ва М. Ирисбеков ўртоқлар. Улар рух заводи қурилишини белгиланган муддатда ниҳояснга етказиш учун ғайрат ва шижоат кўрсатишмоқда. Тошкентдаги «Учқун» галантерея трикотаж фирмасининг илғор тикувчиси Латифа Аҳмедова. Пойтахтимиздаги геология ремонт-механика заводининг зарбдор ишчиси Б. Попов. У ўзининг ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида ҳамкасблари орасида ҳурмат орттириб келмоқда.

А. ТЎРАЕВ фотолари.

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

Она ва ўғил кечки овқат устида бўлиб ўтган нари-беригандан кейин оғзиларига талқон солгандек жим ўтиришарди.

Ҳар иккиси ўз ҳаёли билан банд эди: «Тавба, бу гапларни ким ўргатдийкин Зоиргинамга? Ўша комсомол ячейкасининг бошлиғидан чиққандир-да! Чучварани хом санабсанлар. Кўчага чиқиб, эл олдида паранжи ташлаб, тошбўронга қолайми, шаҳид кетайми?»— ўйларди она. Ўғил бошқа ҳаёл оламида кезарди: «Дадамлар келсалар, биргалашиб ўртага оламиз. Ойимнинг очилмасликларига йўл қўймайман».

Зоир учун бу вазифа — биринчи комсомол топшириғи эди. Ўша куни эрталаб ячейка секретари комсомол аъзоларини тўплади. Масалани кўндаланг қўйди:

— Партия хотин-қизларни озодликка чиқариш снёсатини олиб бормоқда. Биз — комсомоллар бу ишни аввало ўз хонадонимиздан бошлашимиз зарур. Оналаримиз, опаларимиз паранжиларини ташлашсин. Навбатдаги йиғилишимизда топшириқнинг ижросини текширамиз.

Раҳмон ака ишдан алламаҳалда қайтди. Ҳайрибиби ўчоқбошида куйманиб юраркан, ота ва ўғил узоқ гаплашиб ўтиришди.

— Бу ишда шошқалоқ бўлма, ўғил. Ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қил,— вазмин гапирди ота. Шу куни Раҳмон ака ҳовлисидаги супада чироқ ярим тунгача ёниб турди. Учовлон — ота, она ва ўғил кўп сухбатлашдилар.

— Замон ўзгаряпти, биби,— деди Раҳмон ака суҳбатга якун ясаб,— бугунми-эртами, ҳамма аёлларимиз паранжи-чачвонларини ташлашади. Кимдир биринчи бўлиб отилиб чиқиши керак-ку. Кел, ўша биринчи озодлик қалдиргоч сен бўлақол...

Ҳайрибиби махаллада биринчилар қатори кўчага чимматсиз чиқди, одамларга, қўёшга, борлиққа ёруғ юз билан боқди. Йигирманчи йилларда бундай қилиш осонмиди дейсиз, кишидан катта жасорат талаб этарди. Очилган хотинни кўриб «Тур-э, бетинг қурсин» деганлар оз бўлмади. Кунлар ўтди. Ҳайрибибининг издошлари кўпайиб борди.

Мана шу воқеага ҳам қирқ йилдан ошибди. Зоир Раҳмонзода ўшандан буён ўтмиш сарқитларига, дин қолдиқларига қарши курашиб келмоқда, таъсирчан ва қизиқарли методларга таянниб, кенг атеистик тарғибот ишларини олиб бормоқда. Ўтган қирқ йил ичида шу мақсад йўлида у неча-неча шаҳару қишлоқларни кезиб чиқди, одамлар даврасида бўлиб қанчадан-қанча суҳбатлар ўтказди, лекциялар ўқиди.

ЭНГ ЯХШИ ЛЕКТОРЛАРИМИЗ

Ҳали жуда ёш пайтида — 1924 йилдаёқ Таҳлапул масжиди рўпарасида мактаб очиб катталар ва болаларга илмо ва ҳисобни ўргатди, атеистик тарғиботни бошлаб юборди. Тажрибаси, билими етарли бўлмаган ёш Зоирнинг асрлар бўйи омма онгида илдиз отган диний хурофотлар, сарқитларга, халқ илдиза обрўси баланд муллалар, эшонларга қарши чиқиши осон гап эмас эди. Айниқса у тўрт девор ичида қолган хотин-қизлар орасида тушунтириш ишларини олиб боришда қийналарди.

Шунда партия, комсомол ташкилотларининг яқиндан ёрдами, тенгқурларининг комсомолларга хос ғайрат-шижоатига таянди.

Айниқса бу соҳада ўт юрак комсомол қиз Латофат Алихўжаеванинг кўмаги кўп бўлди. У уйма-уй юриб, хотин-қизлар, ўз дугоналари ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди, уларни ўқишга, ижтимоий меҳнатга ундади.

Зоир ва унинг комсомол ўртоқларини Тошкентнинг «Эски шаҳари» маҳаллаларида тез-тез кўриш мумкин эди. Улар чойхона ва бозорлар, мактаб ва клублар, артель ва хонадонларда бўлиб, одамлар қалбига чироқ ёқишар, асрий мудроқ кўзларни уйқудан уйғотишарди.

Серташвиш, аммо ғайрат-ташаббус, жасоратга тўла бўлган ўша ёшлик йилларини Зоир Раҳмонзода яхши хотирлайди. Энди унинг сочлари кузги қалин қироврдек оппоқ. Бироқ ёшликка хос қайноқ қалби тинним билмайди, назарий билими, бой ҳаётий тажрибасини ишга солиб омма ўртасида илмий атеистик пропагандани кучайтиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Зоир ака кунлардан бир кун колхозга лекция ўқигани борди.

— Одамларни соат нечага тўпласак бўларкин, домла?—сўради партия ташкилотининг секретари.

— Буёғига шошмайсиз, ука. Аввал мен шароит билан таннишай, аҳволотни ўргапай...

Шу куни «тошкентлик лектор» далалар ва фермаларда, мактаблар ва хонадонларда бўлди, колхозчилар билан суҳбатлашди, динга ишонувчилар кўпми-озми, деб қизиқиб кўрди. Кечқурун эса чойхонага кириб қариялар даврасида гурунглашиб ўтирди. Суҳбат ўз-ўзидан қизиб кетди. Лекторнинг юморга бой сўзлари. Умар Ҳайём ва Навоий, Муқимий ва Ҳамза, Ғафур Ғулом ва Зулфиядан ўқиган шеърлари даврадагиларни қизиқтириб қўйди. Одамлар кўпаяборди. Қизиқ-қизиқ саволлар тушди. Зоир ака ҳамма саволга батафсил, эринмай, атрофлича жавоб берди. Лектор суҳбатидан ўтирганлар мамнун бўлишди.

Ветеран атеист тарғиботчи Зоир Раҳмонзода динга қарши пропагандада турли-туман усул ва шакллардан фойдаланади. У оила маросимлари ва байрамларда иштирок этишни маъқўл кўради. Иложи борича, ўз даврасида тўпланганларга хурофотнинг зарари, диний уйларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида ётиғи билан тушунтиради, кишилар онгидаги нотўғри тушунчаларни йўқотишга ҳаракат қилади. Комсомол тўйлари, Совет Армияси сафига жўнатиш, қовун сайли, Наврўз байрами каби янги анъаналар, маросимларга бош-қош бўлади.

Ёш атеист-лекторлар уни устоз деб биладилар. Колхоз ва совхозларга, мактаб ва корхоналарга борганида атеистларни топиб, суҳбатлар ўтказади, лекторлик маҳорати мактабларида ўз ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашади. Яқинда Бўка районида «Атеизм ҳафтаси», Андижонда «Фан ва худо» мавзуларида ўтказилган кечаларнинг ташкилотчиларидан бири бўлди.

Илмий атеистик пропаганда ветерани, кекса педагог Зоир Раҳмонзода ҳозир пенсияда. Бироқ тарғиботчилик ишларини тўхтатгани йўқ. «Билим» жамияти область ташкилотининг лекторлик коғози билан узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларга, одамлар орасига тез-тез бориб турибди.

Ж. МУМИНОВ,
Т. МИРҲОДИЕВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ИОРДАНИЯДАГИ АҲВОЛ

● Мамлакатнинг шимолида шиддатли жанглар ● Аммондан келаётган қарама қарши хабарлар ● Пентагон АҚШнинг аралашуви «эҳтимолдан ҳоли эмас» демоқда ●

БАЙРУТ, 21 (ТАСС). Иорданиянинг шимолий районларида узлуксиз қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Иордания генерал-губернатори маршал Эль-Маджалининг берган ахборотида айтилишича Ирбид ва Эр-Рамта шаҳарлари учун бўлган тўқнашувларда Фаластин партизанлари билан бирга Сурия бронетанк қисмлари қатнашмоқда. Аммон радиосининг берган ахборотида таъкидлаб ўтилишича, бу қисмлар икки бригада кучи билан шимолий чегарага Ирбид томон бормоқда. Шаҳарга кираверишда жанглар давом этмоқда.

Юз берган шароит муносабати билан Иордания қироли Хусайн барча араб давлатлари раҳбарларига яна бир мактуб йўллаб, унда «Сурия қуролли кучларининг Иордания территориясига суқилиб кирганиги» қаттиқ танқид қилди.

Маълумки, Сурия давлатининг бошлиғи Нуриддин Атаси Аммон радиосининг Сурия қуролли кучлари Иордания территориясига кириб, Иордания армиясига қарши бўлган жангларда қатнашмоқда деган хабарини рад этган эди.

Араб мамлакатлари Лига кенгаши бош секретарининг ўринбосари Салим аль-Яфи Иорданиянинг илтимосига биноан эртага Лига кенгашининг мажлиси белгиланганлигини айтди.

Иордания пойтахтидаги аҳвол ҳақида қарама-қарши хабарлар келмоқда. Аммон радиоси шаҳарнинг барча районларидаги аҳвол ҳукумат қўшинлари назорати остида турибди дейди, Фаластин радиоси эса давом этаётган жанглар ҳақида хабар қилмоқда. Айниқса, Фаластин қочоқлари лагери жойлашган Вахдат ва Хусайн районларида кучли отишмалар давом этмоқда.

Бир қатор чет эл информация агентликлари ўз мухбирларининг Аммондан берган хабарларига асосланиб Иордания пойтахтида партизан ҳаракати активлашганлигини айтиб, мамлакатнинг шимолида жанглар кенгайиб бораётганлигини кўрсатиб ўтмоқдалар.

ҚОҲИРА, 21 (ТАСС). Иордания армияси ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати отрядлари ўрталарида давом этаётган жанглар ҳақида Қоҳира газеталари хабар қилиб, Аммонда аланга давом этаётгани, шаҳар кўчаларида йиғиштириб олинмаган жасадлар ётгани, шунингдек, озиқ-овқат ва сув танқислиги сезилаётгани, вабо ҳавфи туғилаётгани ҳақида ёзмоқдалар. «Аль-Аҳром» газетасининг хабарига кўра ўлганларнинг сони 6 минг кишидан ортиб кетди. Улар орасида кўплаб аёллар ва ўғлаклар бор.

ҚОҲИРА, 21 (ТАСС). «Аль-Аҳром» ва бошқа Қоҳира газеталари Қоҳира, Тунис, Триполи, Хартум ва Араб мамлакатларининг бошқа пойтахтлари ўрталарида Қоҳирада Араб мамлакатлари раҳбарлари учрашувини тезлаштириш ҳақида алоқалар олиб бораётганлигини ёзади. Бу учрашувда Иордания армияси ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати отрядлари ўрталаридаги қонли тўқнашувларни тўхтатиш юзасидан қўшма тадбирлар ишлаб чиқилади.

НЬЮ-ЙОРКДА НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь. (ТАСС). Нью-Йорк аҳолисидан неча юзлаб кишн Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессив ҳаракатларига қарши ва Америкаинг Тель-Авив агрессорларига хомийлик қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш снёсатига қарши норозилик намойиши ўтказдилар.

Намойишни «Яқин Шарқ озодлигини қўллаб-қувватлаш комитети» ўюштирди ва бу намойиш «Хилтон» меҳмонхонаси ёнида Исроил бош министри Г. Меир АҚШдаги сионист ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашган вақтда ўтказилди.

Намойиш қатнашчилари: «АҚШ ва Исроил, араб халқларидан қўлингни торт», «Сионистларга ҳеч қандай мадад берилмасин! деган сўзлар ёзилгиқ плакатларни кўтариб чиқдилар. Намойиш бир неча соат давом этди.

АГРЕССОРЛАРНИНГ ВАХШИЕНА ҲАРАКАТЛАРИ

АҚШ ва АҚШ гумаштларининг транспорт самолётлари шу йил 1 январдан тортиб 30 августгача 300 мартадан ортиқ парвоз қилиб, Марказий Чунгбода жойлашган аҳоли яшайдиган 157 пунктга заҳарли химиявий модда ва газ тарқатди.

Америка империалистлари ва уларнинг гумашталари томонидан Марказий Чунгбода (Марказий Вьетнам) қилинган ҳарбий жиноятларни текширувчи комитетнинг ахборотида шу тўғрида гапирилади.

Озодлик матбуот агентлигининг хабар беришича, ана шу вахшиёна ҳаракатлар натижасида 70 минг гектардан ортиқ шолипоя ва ўрмон яксон қилинган, неча ўн минглаб тинч аҳоли заҳарланган, шу билан бирга 68 киши ўлган ва 1570 киши қаттиқ шикастланган.

(ТАСС).

21 сентябрь.

БАР ВАКИЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Муҳаммад аз-Зайёт Иордаиядаги воқеалар муносабати билан ғоят ташвишланиб, таассуф билдираётганлигини айтди: Муҳаммад аз-Зайёт телевидение орқали нутқ сўзлаб, бундай деди: Иорданияда мунтазам қўшинлар билан фаластин партизанлари отрядлари ўртасида бўлган қуролли тўқнашувлар Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан бартараф қилишни истамаётган исроилик агрессорларнинг тегирмонига сув қуяди холос.

Аз-Зайёт ўз мамлакати Яқин Шарқда ўт очишни вақтинча тўхтатиш шартларига қаттиқ риоя қилаётганлигини таъкидлади ва Г. Яррнг воситасида Араб—Исроил учрашувларига ҳар қандай йўл билан халақит бераётган Исроилнинг позициясини қораради.

ЗЎР МАМНУНИЯТ БИЛАН

ҚОҲИРА, 22 сентябрь. (ТАСС). Араб мамлакатлари жамоатчилиги ва матбуоти Иордаиядаги аҳвол хусусида ТАСС баёнотини зўр мамнуният билан қабул қилди. Бир қанча радиостанциялар, шу жумладан, Қоҳира, Дамашқ, Жазоир, Байрут радиостанциялари баёнотнинг асосий мазмунини эшиттирди. Газеталар уни батафсил баён қилиб, Иорданияда ўзаро урушга тезроқ хотима бериш зарурлиги ҳақидаги сўзларни ҳамда Иордания можаросига ташқаридан ҳар қандай ҳарбий аралашувга нисбатан қилинган огоҳлантиришларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

ТАСС БАЁНОТИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИНИНГ ФИКРЛАРИ

ПАРИЖ, 22 сентябрь. (ТАСС). Иорданиядаги воқеалар муносабати билан эълон қилинган ТАСС баёнотига Франция матбуоти жиддий эътибор бермоқда. Парижда чиқадиган ҳамма газеталар ТАСС баёнотини тўла ёки қисқартириб эълон қилдилар.

«Юманите» газетаси Совет Иттифоқи Яқин Шарқдаги сўнгги воқеалар муносабати билан ўзининг ғоят ташвишланганлигини билдиргаилигини ва чет мамлакатнинг аралашуви «Яқин Шарқдаги аҳволни янада кескинлаштиради ва умуман халқаро вазиятни жуда мураккаблаштиради», деб огоҳлантиргаилигини таъкидлаб ўтади. Совет ҳукумати, деб ёзади газета, манфаатдор томонлар Иорданияда урушни тўхтатишга эришадилар, деб ишонч билдирди.

●

ВАРШАВА, 22 сентябрь. (ТАСС). Польшада чиқадиган барча марказий газеталар Иорданиядаги аҳвол муносабати билан ТАСС баёнотини эълон қилдилар.

«Трибуна люду» газетаси ТАСС баёнотини «Иорданиядаги можаро фақат араб халқларининг душманларигагина қўл келади» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди. Совет Иттифоқи араб халқларининг тўла мустақилликни барқарор қилиш ва ўзларининг миллий тараққиётини таъминлаш учун, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун олиб бораётган адолатли курашини буидан буён ҳам қўллаб-қувватлаб беради. Араб мамлакатлари ва халқлари бунга амин бўлишлари мумкин. ТАСС баёнотидан мана шу хулоса келиб чиқади, деб таъкидлайди газета.

●

ПРАГА, 22 сентябрь. (ТАСС). Чехословакия радиосининг обзорчиси Иорданиядаги воқеалар муносабати билан ТАСС нинг баёнотини Совет Иттифоқи тинчликсеварлик снёсатини изчиллик билан олиб бораётганлигини кўрсатувчи янги далил деб атади.

Чехословакия радиосининг эшиттиришларида ТАСС баёнотидаги нуқтан назарларга Яқин Шарқдаги воқеаларнинг хатарли ривожланишини тўхтатишга, ер юзининг шу районида адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишга интилаётган барча кишилар қўшиладилар, дейилади.

●

СОФИЯ, 22 сентябрь. (ТАСС). Болгарияда чиқадиган газеталар Иорданиядаги аҳвол тўғрисида ТАСС баёнотини кўзга кўринарли ўриналарда босиб чиқарган. Матбуот шу мамлакатдаги воқеалар ривожи Яқин Шарқда тинчлик ишига жиддий хавф туғдираётганлигини таъкидлаб ўтмоқда.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Яқинда Брно шаҳрида Халқаро XII кузги ярмарка очилди. Бу ерда Чехословакия машинасозлари томонидан яратилган қўплаб агрегатлар намойиш этилмоқда Томошабинларда иккн ўринлик А-70 жироплан катта қизиқиш уйғотаяпти. Суратда: Чехословакия жироплани ярмаркада намойиш этилмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

●

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Оққўрғон	73,6
Юқори Чирчиқ	73,2
Бўка	69,2
Оржоникидзе	67,4
Калинин	66,2
Бўстонлиқ	65,9
Ўрта Чирчиқ	64,1
Бекобод	63,6
Янгийўл	60,2
Область бўйича	66,7

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЛУБ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 22 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

ЎРТА ЧИРЧИҚ	1,2	125,5
Янгийўл	3,5	83,0
Юқори Чирчиқ	3,3	77,4
Оққўрғон	2,4	76,6
Бўстонлиқ	2,4	73,1
Область бўйича	2,7	78,7

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА САБЗАВОТ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

ОҚҚУРҒОН	154,5
БЎКА	141,9
Янгийўл	90,1
Оржоникидзе	66,0
Ўрта Чирчиқ	64,2
Бўстонлиқ	63,8
Калинин	61,8
Юқори Чирчиқ	54,4
Бекобод	44,2
Область бўйича	67,5

ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

САВДО МАРКАЗИ

Ҳозирча шаҳарда ягона ҳисобланган бу савдо муассасаси тиклангунча йўқ. У лойиҳада ўз аксини топяти. Бўлажак савдо маркази учун ажратилган марказий бозор яқинидаги эски, нураб ётган бостирмалар бузилиб, текислана бошланди.

Улкан савдо муассасасида тўқимачилик, трикотаж маҳсулотлари, газмоллар ва пойафзал савдоси йўлга қўйилади.

●

ОБЛАСТДА ЭНГ ЯХШИ

Тошкент область касаба союзи пойтахт области саноат корхоналари доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш маждислари кўригини ўтказди. Кўрикда Чирчиқ электр химия комбинати фаолияти энг яхши деб топилиб, Фаҳрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Мукофотланганлар орасида 54-цех слесари Н. Бондаренко, карбамид цехи мастери М. Пархомчик, ремонт-механика цехи технороги А. Мельников ва бошқалар бор.

Яқинда комбинат завод комитети раиси А. Сулаймонов мусобақа голибларига мукофотларни топширди.

●

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати йил сайин кенгайиб бормоқда. Шу ойнинг ўзида холис хизмат бюроси, машинкада ёзиш, юкларни уйларга етказиб бериш, муқовалаш ва бошқа қатор бюролар ташкил этилди.

Бундан ташқари, янги цех ходимлари хоналарни оқлаш, бўяш, деразаларга ойна солиш, электр устараларини ремонт қилиш каби ишларни ҳам бажаришади. Холис хизмат бюроси фаолиятидан шаҳарликлар мамнун бўлишмоқда.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Ушбу суратда Тошкентнинг Октябрь районида қуриладиган тарбия марказининг макетини кўриб турибсиз. Бу марказда болалар боғча ва яслиси, бошланғич мактаб бўлади. 650 ёш гражданларга мўлжалланган марказ лойиҳасини Тошкент зонал тажриба илмий-текшириш институти коллективи тайёрлаган.

М. Нуриддинов фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) артист Эльвира Потёмкина куйламоқда. «Ресторанда» интермедиясидан бир кўриниш. Лирик мисралар ижрочиси Тамара Емельянова. «Хоккейчилар» музика-рақс бўлимидан бир кўриниш.

Л. ГЛАУБЕРЗОН, М. КАМЕНЕЦКИЙ фотолари.

ЭКРАНЛАРИМИЗДА

«КОЛОННА»

106—114 йиллар. Рим императори Троян даврининг муқаддас пойтахти Сармизегетузини ишғол қилганда, шаҳарда жангда ҳалок бўлганлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Шаҳардан ташқарида эса Жерула содиқ дўсти Децебал билан қатъий ҳужумга тайёрланмоқда.

Муваффақиятсизликка учраган Децебал ўзини ўлдиради. Жерула эса курашни давом эттирмоқчи. Лекин, тарихий тараққиёт рим ликлар билан даврининг этник жиҳатдан бирлашиб кетишига, ўч олиш фикрининг аста-секин йўқолишига мажбур қилади.

Руминиянинг «Бухарест» киностудиясида Титус Попович сценарийси асосида режиссёр Мирча Дрэган яратган икки серияли «Колонна» фильмида ана шу жараён ҳақида ҳикоя қилинади.

◆

«АНУПАМА»

Ума туғилган куниёқ онаси вафот этганди. Шунинг учун отаси ўз қизини жуда ёмон кўрарди. Ума одамови бўлиб ўсади, туғилган куннини эса энг қайғули кун деб ҳисоблайди.

Бу ҳақда Умани севиб қолган Ашок ҳеч нарса билмас эди. Шу туфайли Умани туғилган кунида у совға билан келади...

Фильмни Б. Датта ва Д. Н. Мукержи ёзган сценарий асосида режиссёр Х. Мукержи яратган.

Фильмда Дхармендра (Ашок), Шармила Тагор (Ума), Девен Верма (Арун), Шашиқала (Анни), Тарун Боз (Мохан Шарма, Умани отаси) ва бошқа актёрлар қатнашган. Картинани оператор Жайвант Р. Патхаре суратга олган.



НЕВА СОҲИЛИ КУЙЛАРИ

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Павел Васильевич Рудаковнинг номи ва ижоди кенг томошабинларга маълум ва манзурдир. Бу талант соҳиби ўзининг 40 йиллик ижодий фаолияти давомида кўплаб ансамбллар ташкил этиб, уларни ҳаётга йўллади. Унинг қўлида тақсил кўрган шогирдлари фақатгина Ленинградда эмас, балки Иттифоқимизнинг барча республикаларида топилади.

Бундан 2 йил муқаддам Павел Васильевич жиддий бир муаммо устида ўйланиб қолди. Турли шаҳарларда гастролларда бўлиб, ўнлаб эстрада ансамбли коллективларининг чиқишларини диққат билан кузатди. Уларда қандайдир бир хиллик, ўхшашликни сезди. Икки бўлимдан иборат концертда кўпи билан уч-тўрт хонанда ва созандалар қатнашади. Концерт охиригача қўшиқ музика билан, музика эса қўшиқ билан алмашинавериб томошабинларни зериктиради. Чет эл ансамбли коллективларида бундан бошқачароқ йўл тутишган. Биргина ГДР, ёш ижрочилари ансамблини олайлик. 40 аъзоси бор. Бир йўла ҳам лирик мисралар янграйди, ҳам сатирик номерлар ижро этилади, масҳарабозлар қатнашади. Қўйингчи, санъатнинг барча турлари қамраб олинган.

Изланувчан санъаткорда янги фикр туғилди. 1966 йилда ўзи ташкил этган 10 кишидан иборат ансамбль асосида қизиқарли ва жозибадор бир группани тузишга жазм қилди. У Ленинград шаҳар радио ва телевидениесида бўлди. Барча театр ва циркларни айланиб чиқди. Ёш эстрада ансамбли коллективлари билан алоқа боғлаб турли жанрларда ўз маҳоратларини намойиш этаётган санъаткорларни янги ташкил этиладиган ансамблга таклиф этди.

Қаламкаш ҳамкасблари Владимир Сипакеевич, Виниамин Сквирскийлар билан ҳамкорликда уч соатга мўлжалланган янги қизиқарли программа ёзиб ишлаб чиқишди. Рассом Гдаль Германга саҳнани жиҳозлаш топширилди. Ленинград телевидениесининг ходими Виталий Аствадзе бош режиссёрлик вазифасини ўтади.

40 кишидан иборат ансамбль коллективи кўрсатув программасини бир йил мобайнида пухта тайёрлаб бўлди. Бу ўринда Павел Васильевич ҳам саҳналаштирувчи, ҳам актёрлик, ҳам устозлик ролини ўтади. У ўз шогирдларидан ҳар бир кўрсатув номерларини ниҳоятда пухта тайёрлаб қизиқарли чиқишига даъват этди. Шу йилнинг май ойида янги программа тайёр бўлди.

Коллектив аъзолари дастлабки синовдан муваффақиятли ўтишди. Барча номерлар комиссия кўригида яхши баҳоланди. Орадан кўп вақт ўтмай хушхабар етиб келди. Биринчи концерт премьерасини Тошкент шаҳрида ўтказиш маълум қилинди. Бу хушхабар ёш ижрочиларни ниҳоятда қувонтирди ва хаяжонга солди.

Мана бугун пойтахтимиздаги Свердлов номли концерт залида Ленинград шаҳридан келган Павел Васильевич Рудаков бошлиқ ансамбль коллективининг премьера концертлари бошланганига бир неча кун бўлди. Куни кеча ленинградлик меҳмонларнинг концертларида қатнашиб, яхши таассуротлар олдик.

Янги ташкил этилган бу ансамблнинг афзаллиги шундаки, программалар ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Бир номер иккинчисини қайтарувчиси бўлиб қолмай, туёдан фарқ қиладиган.

Концертни Павел Васильевич бошчилигида артистлардан Алла Калабанова, Ирина Маришева, Юрий Трахтинберг, Георгий Богданов, Геннадий Смирнов бошлаб беришди. Улар сатирик қўшиқлар ижро этиб, айрим пайтларда орамизда учраб турадиган нуқсонларни қаттиқ танқид қилишди. Хаяжонли музика, шўх қўшиқлари билан томошабинларда кулгу ва ҳис-хаяжон уйғотишди. Навбат акробатлардан Александр Моткин ва Константин Канашкинларга берилади. Улардан сўнг саҳнага она-бола жонглёрлардан Нина ва Олег Мишенлар чиқиб келишади. Лирик қўшиқлар ижрочиси Тамара Емельянова «Афсусланмаяпман», «Чақираётганим ҳам йўқ», «Кўз ёши қилмайман» қўшиқларини ижро этиб бўлиши билан томошабинлар нигоҳида балет группасида қатнашувчи қизлар пайдо бўлди. Хуллас, концерт охиригача турли хил қизиқарли ва ранг-баранг номерлар ижро этилиб залдагиларда катта таассурот қолдирди. Санъат ихлосмандлари ансамбль коллективининг ҳар бир чиқишларини катта қизиқиш билан қарши олишди.

Концерт охирида саҳна анвойи гулларга тўлди. Артистларни олқишловчи қарсаклар янгради. Бу ўз ўрнида Павел Васильевич ташкил этган ансамблни муносиб равишда ўзини тўла-тўкис оқлаганидан далолат бериб турарди. Бу янги, ёш изланувчан коллективга келажакда катта муваффақиятлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.

АЖОЙИБОТ ОЛАМИДА

БУЛУТНИ БЎЛИБ ОЛИША ОЛМАДИ

Яқинда АҚШ Олий судига ғалати шикоят келиб тушди. «...Невада штати қонунга хилоф равишда бизнинг Юта штатимизга ёғиши лозим бўлган булутларни ўзиники қилиб олди, деб ҳисоблаймиз...»

Маълум бўлишича, Невада штати ўтган ёзда ғалати тажрибани амалда синаб кўрган: йодсимон кумуш парлар булутга чиқарилган. Натижада ғайритабиий ҳол рўй берган. Сокин ва тиниқ булутлар ниҳоятда қуюқлашиб, ёмғир ёғабошлаган. Бунинг сабаби, оддий. Йодсимон кумуш парлар булутларни суюқ ҳолга айлантиради ва ёғингарчилик бўлади.

Юта штати уларга қарашли булутларни Невада штати ўзиники қилиб олган ҳисоблаб, АҚШ Олий судига моддий товон ундириб бериш учун ариза берди.

●

НУРЛАНГАН БАЛИҚ

Чилилик дон Писарронинг айёди кечки оқшатга бозорда сотиб олинган альбакора балиғини пишириш тараддудида эди. Хонадон соҳибаси ошхона чироғини ёқмай, холодильникни очди ва тўсатдан балиқдан таралаётган равшан зангори-кўкимтир шуъла кўз нурини олиб қўйди. Аёлнинг ҳаяжонли чинқириғини эшитган эри ошхонага югуриб кирди. У балиқни тортиб олиш учун вилкани ишга солди. Аммо бундан шуъла янада зўрайди.

Бу ҳақда маҳаллий газета репортерларидан бири билиб қолиб, ғалати балиқни суратга олишга қарор қилди. Балиқдан таралаётган нур шунчалик кучли эдики, у электр ёритгичсиз ҳам қэпқоронғи ошхонада суратга олишга муваффақ бўлди. Сурат ниҳоятда ажойиб чиқди ва газетада босилди. Кимёгар-ихтиолог олимларнинг тахминларига кўра, балиқнинг ғадати тусда нур таратишининг боиси шуки, бу воқеадан бирмунча вақт олдин Франция Тинч океанида атом бомбасини синаган. Уларнинг фикрича, альбакора балиғи ана шу синов пайтида радиоактив нурлар билан заряядланган. Шуъла таратиш эса радиоактив зарядининг натижасидир.

●

ҲОЗИРГИ ЗАМОН БОЛАЛАРИ

Статистларнинг ҳисобига кўра, тўрт ёшли бола ҳар куни 12 мингга яқин сўз талаффуз этади, ва бунда 920 та савол бераркан. Хўш, унинг қизиққан нарсасини айтиб бериб кўнглини тинчитишнинг ким ҳам уддасидан чиқа олади!?. «Фақат болаларнинг ота-оналари,—дейишади олимлар.— Шунинг учун улар (ота-оналар) жиддий равишда ўқимоқлари лозим».

(«Знание и сила» журналидан).

СПОРТ

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Олий лига командалари ўртасида медаллар учун ҳам, хавфли зонадан чиқиб олиш учун ҳам кескин кураш бўлмоқда. Ўтган душанба куни мамлакат чемпиони — Москванинг «Спартак» командаси «Нефтчи»ни қабул қилиб, кетма-кет учинчи марта дуранг натижа билан кифояланди. Бу сафар ҳам ҳисоб 0:0. Спартакчиларнинг пассивлигидан сўнг Москва динамочилари ва ЦСКАнинг имкониятлари анча яхши бўлиб қолди. Сафардан қайтган Тбилиси динамочилари ҳам энди пешқадамларга етиб олиш учун ҳаракат қилади.

Турнир жадвалининг пастки қисмида эса «Зенит» ва «Черноморец» командалари бирмунча жонландилар. Ҳозир турнир жадвалида қуйидаги вазият вужудга келди:

Командалар	Ў.	Т.	О.
Динамо М	24	34—16	32
Спартак М	25	38—20	31
ЦСКА	23	36—15	30
Динамо К	25	28—22	28
Заря	24	24—20	28
Динамо Тб	23	30—20	27
Торпедо М	24	26—26	27
СКА Р	24	21—20	25
Нефтчи	23	20—14	24
Арарат	23	22—22	24
Динамо Мн	24	26—23	23
Пахтакор	25	17—37	21
Шахтёр	24	25—43	20
Торпедо Кт	25	17—25	18
Зенит	24	20—35	18
Черноморец	23	18—29	17
Спартак О	25	22—37	15

Бугун навбатдаги икки ўйин бўлади. «Динамо» (Москва) — «Торпедо» (Кутаиси), «Зенит» — «Черноморец» ўртасидаги учрашувлар «Пахтакор»нинг турнир жадвалидаги мавқеига таъсир этмай қолмайди.

* * *

«А» класси биринчи группаси пешқадамлари — «Қайрат» ва «Карпати»нинг Олмаотада бўлган ўйини 1:1 бўлиб тугади. «Қайрат» ҳозир 32 ўйиндан, «Карпати» эса 33 ўйиндан 45 тадан очкога эга.

●

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

«Б» класси Ўрта Осиё зонаси командалари мусобақаларни тугатдилар. Бу мусобақалар тажрибали «Зарафшон», Янгиер», «Оқ олтин» футболчиларининг муваффақияти билан якунланди. Навоийликлар 51 очко, қўриқ ер футболчилари 48, андижонликлар 46 очко тўпладилар. Тўртинчи ўрин «Наримоновчи»га тегди. Областимиз вакиллари «Химик», «Оққўрғон» футболчиларидан умид катта эди. Лекин улар қучлилар билан рақобат қилиша олмади.

●

ЧЕМПИОН ЕНГИЛДИ

Хоккей бўйича Совет Иттифоқи чемпиони ЦСКА бу йилги мусобақада биринчи марталиятга учради. Ўтган душанба куни армиячилар Москва динамочиларидан 1:4 ҳисобида енгилдилар.

●

РАПИРАЧИЛАР «ЖАНГ»ЛАРГА ШАЙЛАНМОҚДА

«Пахтакор» спорт залида шамширларнинг жаранги тинмайди. Вақти, вақти билан тренернинг овози эшитилиб қолади.

— Бир қадам ортга, санч. Яна такрорла!

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Спортнинг мазкур тури кишидан ниҳоятда чаққонлик, хушёрлик талаб этади. Бир дақиқа ҳаялладингми, рақиб зарбасига дучор бўлиш ҳеч гап эмас. Республикада хизмат кўрсатган тренер Дмитрий Яценко беш минутлик танаффус эълон қиларкан, ўз режалари ҳақида қисқача тушунтиради:

— СССР Халқлари V спартакиадасига ҳозирдан тайёргарлик кўрилмаса бўлмайди. Чунки мусобақаларда рақибларимиз бизга осонликча очколар «ҳадъя» этишмайди. Шунинг учун ҳафтада олти кун тўрт соатдан машқлар ўтказаяпмиз. Терма команда составида саккиз спортчи бўлиб, улар СССР спорт мастерлари Валентин Тюлькин, Евгений Пикман, Маҳмуд Сиддиқов ва бошқалардир.

Бўлажак мусобақаларда олдимизга ягона мақсад қўйганмиз. У ҳам бўлса, кучли олтиликка киришдир.

А. КИМ.



Калинин районининг янги маркази — Калинин посёлкаси кун сайин гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда бунёд этилаётган маъмурий, турар-жой бинолари посёлка хуснига-ҳуси қўшмоқда. Ана шундай шинам замонавий уйларда қишлоқ меҳнаткашлари истиқомат қилишмоқда. Яқинда эса йигирма оила янги уйда ҳовли тўйлари ўтказишди. Суратда: посёлкада қурилган уй-жой биноларини кўриб турибсиз.

Б. САФАРОВ фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.25 — **Кўрсатувлар программаси**, 18.30 — **«Ахборот»** информацион программаси (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.40 — **Шеърият мухлисларига, АКМАЛ ПУЛАТ.** 19.00 — **«Ахборот»** информацион программаси. 19.15 — **Халқ талантлари ҚОБИЛЖОН ЮСУПОВ**, 19.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.25 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.30 — **Болалар учун мультфильм**, 18.40 — **«Здоровье»** (Илмий-оммабоп программа), 19.20 — **Реклама.**

Ўзбек тилида: 19.30 — **Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПОЛИТОТДЕЛ»** (Тошкент области) — **«НЕФТЯНИК»** (Фарғона). Ўйиннинг иккинчи тайми олиб кўрсатилади, 20.15 — **«Фан»** программаси. 20.55 — **Музиканы қандай тингламоқ керак?** 21.35 — **«Алёшанинг севгиси»** (Бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — А. Островский. **«Меҳнатнинг нони» (Телеспектакль).** 21.50 — **«Бизнинг уйимиз»** (Ҳужжатли фильм) 22.15 **Фильм-концерт.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23|IX да **Трубадур** 24|IX да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23|IX да **Ўғирланган умр**, 24|IX да **Олтин девор.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Асунта, бехато от! — «ДРУЖБА», «СПУТНИК», «ЧАЙКА». (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА». (кундуз соат 12, 4 ва кеч 7 яримда).

Колонна — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 да).

Сайха — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Малина — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Анупама — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Парад-алле — «ЧАЙКА», (эрталаб соат 10, кундуз 3.15 ва кеч 8.30 минутда).

Гамильтон хоним — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9.45 минутларда).

ГрафиняКэссель — «МОСКВА» (кундуз соат 1 ярим ва кеч 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 9.40 минутда бошланади).

Отамнинг сафари — ТЕЛЬМАН НОМЛИ, «РАКЕТА».

Асунта, бехато от! — «ФЕСТИВАЛЬ».

Колонна — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИРЛАРНИ ТАШИШ ТРЕСТИ

қишлоқ хўжалик тадбирларида ва пахта йиғим-теримида иштирок этадиган ҳамма колхозлар, совхозлар, саноат корхоналари, ўқув юртлари, ташкилотлар ва бошқа коллективларга автобус ажратиш учун

ЗАЯВКАЛАР

ЖУНАШ КУНИДАН 2 КУН ОЛДИН

ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ БИЛДИРАДИ

БУЮРТМАЧИЛАР ЗАЯВКАДА: ташиладиган нишларнинг сони, жўнаш вақти, тўхташ жойи ва борадиган жойни кўрсатишлари лозим.

Меҳнат ҳақи — лимитланган чек, китобчаси билан тўланади.

Заявкалар бутун сутка давомида: Тошкент шаҳар, Пролетарский, кўчаси, 31 уйда қабул қилинади. Телефон № 33-15.91.

Тошкент область ижроия комитети савдо бошқармаси коллективи колхоз бозорлари бошқармасининг бошлиғи, савдо бошқармаси партия ташкилотининг секретари З. А. Фатхуллахўжаева онаси

Башорат ОРИФХУЖАЕВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор— 336495. Редактор ўринбосарлари—335885, 337916, Масъул секретарь—334808. Саноат, қурилиш ва транспорт—333786. Совет қурилиши—338761. Пропаганда, адабиёт ва санъат 331936. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—339050. Партия турмуши, маҳаллий ахборот ва спорт—335811. Оммавий ишлар ва хатлар—334048. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697. Г. 1734. Р—02827